

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

БУХОРО ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-МАРТ**

Бухоро – 2018 й.

СЎЗ БОШИ

Бухоро вилоятининг статистик ахборотномаси Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Бухоро вилояти статистика бошқармасининг чорақлик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-март ойлари яқунлари бўйича Бухоро вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи кўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	–	ялпи ички маҳсулот	л.	–	литр
%.	–	фоиз	0,0	–	катта бўлмаган миқдор
млрд.	–	миллиард	м.	–	марта
млн.	–	миллион	–	–	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	–	миллион АҚШ доллари	га.	–	гектар
кв.	–	квадрат	тн.	–	тонна
км.	–	километр	1), 2), 3),.....	–	изоҳнинг мавжудлиги
м.	–	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	Бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	7
I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	8
Ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	8-9
II. САНОАТ	10-11
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	12-13
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	14
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши	15-18
Худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	19-20
Хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони	20
Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	20-22
Чорва моллари ва паррандалар бош сони	22-24
Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	24-25
Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	25
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	26
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган	26
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	27
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	28-29
V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	30
Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши	31
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	32
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича	32-33

Худудлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони	33-35
Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони	35
VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	36
МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	37
Экспорт-импорти таркиби	37-38
Ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси	39
МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси	40
VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	41
Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади	41
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	42
IX. ХИЗМАТЛАР	43
Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси	43
Савдо айланмаси таркиби	44
Кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда)	44-45
X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ	46
Аҳолининг табиий ҳаракати	47-48
Меҳнат ресурслари ва аҳолининг иш билан бандлиги	48
Доимий аҳоли сони	48
Тузилган никоҳлар сони	49
Никоҳдан ажралишлар сони	49

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь-март**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь-март</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	<i>млрд. сўм</i>	2599,9	99,6
Саноат маҳсулоти	<i>млрд. сўм</i>	1900,8	100,7
Истеъмол товарлари	<i>млрд. сўм</i>	641,4	99,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	<i>млрд. сўм</i>	450,8	103,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	<i>млрд. сўм</i>	2506,6	72,2
Қурилиш ишлари	<i>млрд. сўм</i>	430,1	76,6
Юк айланмаси	<i>млн. тн-км</i>	344,9	95,4
Йўловчи айланмаси	<i>млн. йўловчи-км</i>	2197,9	103,4
Чакана товар айланмаси	<i>млрд. сўм</i>	1504,8	102,6
Хизматлар, жами	<i>млрд. сўм</i>	1385,0	104,6
Ташқи савдо айланмаси	<i>млн. АҚШ долл.</i>	271,4	272,7
Экспорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	48,6	92,1
Импорт	<i>млн. АҚШ долл.</i>	222,8	477,1
Сальдо (+;-)	<i>млн. АҚШ долл.</i>	-174,2	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 2599,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 99,6 фоизга тенг бўлди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	млрд.сўм		2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	2166,1	2599,9	99,6
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1949,2	2309,9	99,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	216,9	290,0	98,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1949,2	2309,9	99,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	205,8	275,7	103,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	752,5	852,7	91,8
саноат	536,6	660,4	97,9
қурилиш	215,9	192,3	76,6
Хизматлар	990,9	1181,5	104,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	270,5	328,9	101,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	241,7	263,7	105,6
бошқа хизматлари	478,7	588,9	106,6

Январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)

2017 йил



2018 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири хизматлар (104,9 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (103,8 %), саноат (97,9 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 48,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-мартда 50,4 фоизни ташкил қилган.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 51,2 фоиз (2017 йил январь-мартда 50,8 фоиз)ни ташкил қилди.

II. САНОАТ

2018 йил январь-мартда саноат маҳсулоти ҳажми 1900,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 641,4 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-мартга нисбатан 99,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 327,0 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 314,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 99,8 фоиз ва 98,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-март ойларида 14,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	1900,8	100,7
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	137,8	96,3
<i>улардан:</i>		
Кўмир ва лигнит, хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	74,4	91,2
Тоғ- кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	4,0	100,1
Тоғ- кон саноати соҳасидаги техник хизматлар	59,4	103,7
Ишлаб чиқарадиган саноат	1673,4	100,6
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	361,7	103,4
Ичимликлар ишлаб чиқариш	14,0	109,2
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	395,5	102,4

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Кийим ишлаб чиқариш	32,6	79,4
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2,2	191,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	1,3	88,5
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	13,2	102,4
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,3	83,0
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	632,4	101,1
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	68,8	102,0
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	1,4	97,4
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	9,2	93,3
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	90,8	96,3
Металлургия саноати	1,2	54,0
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	38,0	80,8
Мебел ишлаб чиқариш	9,3	83,6
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	0,5	92,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	60,8	109,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	28,8	113,8
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	641,4	99,3
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	327,0	99,8
ноозик-овқат товарлари	314,4	98,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-март)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-март	2017 й январь-мартга нисбатан %
--	------------------	-------------------------	---------------------------------------

Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш

Нефт	минг тн.	4,4	81,1
Табиий газ	млн.м.куб	1193,2	92,4
Газ конденсати	минг тн.	14,5	78,9

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-март	2017 й январь-мартга нисбатан %
--	------------------	-------------------------	---------------------------------------

Ишлаб чиқарадиган саноат

Бензин	МИНГ ТН.	191,4	96,7
Дизел ёқилғиси	МИНГ ТН.	175,0	108,7
Мазут	МИНГ ТН.	20,0	118,3
Керосин	МИНГ ТН.	34,1	100,0
Суюлтирилган газ	МИНГ ТН.	1,7	85,0
Арок	МИНГ Л. 100% спирт	465,1	100,5
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	МИНГ Л. 100% спирт	10,0	100,0
Узум виноси	МИНГ Л.	340,0	94,4
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	МИНГ ТН.	18,6	90,9
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	ТН.	809,0	66,8
Тозаланган ўсимлик ёғи	ТН.	9678,4	104,9
Омихта ем	ТН.	9689,9	97,5
Пахта толаси	МИНГ ТН.	39991,0	86,7
Пахта чигити	МИНГ ТН.	58,7	100,0
Пахта (линти)	ТН.	3451,0	95,7


Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	МИНГ Гкал.	469,3	122,1
---------------------------------------	------------	-------	-------

III. ҚИШЛОҚ, ҶРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ


2018 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 450,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизни шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 66,5 млрд. сўмни (106,5 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 374,2 млрд. сўмни (103,0 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 5,5 млрд. сўмни (103,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 2,2 млрд. сўмни (149,4 фоиз), овчилик хўжалигида 0,1 млрд. сўмни (100,9 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,3 млрд. сўмни (94,1 фоиз) ташкил қилди.

2018 йилнинг январь-мартида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 89,1 фоиз).

Январь-мартда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(январь-март)



Дехқончилик. Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига ёпиқ ерларда сабзавот 3070 тонна (2017 йил шу даврига нисбатан 9.7 фоизга кўп) етиштирилди.

2018 йилнинг январь-мартда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Сабзавотлар	0,5	105,5	2,1	101,6	0,5	188,8
Мевалар ва резаворлар	-	-	0,2	106,4	-	-

**2018 йилнинг январь-мартида ҳудудлар кесимида асосий
турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Сабзавотлар (тонна)



Мевалар ва резаворлар (тонна)



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

**2018 йил 1 апрель ҳолатига хўжалик тифлари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</i>	
	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Йирик шохли қорамоллар	63,4	104,1	1114,3	101,2	18,0	168,2
<i>шу жумладан: сигирлар</i>	18,1	104,0	362,7	100,2	3,2	110,3
Қўйлар ва эчкилар	226,2	106,1	1712,2	105,0	150,0	96,2
Паррандалар	207,7	105,1	2645,8	105,3	1481,3	135,2

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,2 фоизни, фермер хўжаликларида 5,3 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 94,5 ва 4,7 фоизни, қўйлар ва эчкилар - 82,0 ва 10,8 фоизни, паррандалар – 61,0 ва 4,8 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан: сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)



2018 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 41,9 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-мартига нисбатан 2,3 фоизга кўп),

175,5 минг тонна сут (4,9 фоизга кўп), 77,0 млн. дона тухум (4,0 фоизга кўп), 0,1 минг тонна жун (14,1 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

**2018 йилнинг январь-мартида хўжалик тифалари бўйича
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда	Миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	1,2	105,6	40,0	102,0	0,7	116,1
Сут, минг тонна	8,8	109,0	165,8	104,7	0,9	102,7
Тухум, млн. дона	1,9	144,7	33,4	100,6	41,7	105,4
Жун, минг тонна	-	-	0,1	108,9	-	-

**2018 йилнинг январь-мартида ҳудудлар кесимида асосий турдаги
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Гўшт (минг тонна)



Сут (минг тонна)



Тухум (млн. дона)



Жун (тонна)



Чорвачилик. 2018 йил 1 апрель ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1195,7 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 фоизга кўп), шу жумладан, сигирлар 384 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 фоизга кўп), кўй ва эчкилар 2088,4 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 фоизга кўп), паррандалар 4334,8 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,9 фоизга кам) ташкил этди.

2018 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	1195,7	101,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	63,4	104,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1114,3	101,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	18,0	168,2
улардан сигирлар	384,0	100,4


	минг бош	ўсиш суръати, %
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	18,1	104,0
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	362,7	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,2	110,3
Куй ва эчкилар	2088,4	104,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	226,2	106,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1712,2	105,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	150,0	96,2
Отлар	4,8	105,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,8	144,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	3,7	100,4
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,3	101,6
Паррандалар	4334,8	113,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	207,7	105,1
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	2645,8	105,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1481,3	135,2

Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши, асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 95,6 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 94,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 43,4 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	41,9	102,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1,2	105,6
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	40,0	102,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,7	116,1
Сут, минг тн.	175,5	104,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	8,8	109,0
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	165,8	104,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,9	102,7
Тухум, млн. дона	77,0	104,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	1,9	144,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	33,4	100,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	41,7	105,4

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)
(январь-март)



Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатида фермер хўжаликларида 63,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 18,1 минг бош сигир, 226,2 минг бош қўй ва эчкилар, 207,7 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2017 йил январь-март ойларига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 4,1 фоизга, қўй ва эчкилар 6,1 фоизга, паррандалар 5,1 фоизга кўпайган.

2018 йил январь-март ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	2017 йил январь-март		2018 йил январь-март		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Гўшт, тирик вазнда	1098	2,7	1160	2,8	105,6
Сут	8095	4,8	8825	5,0	109,0
Тухум, минг дона	1343	1,8	1943	2,5	144,7

	2017 йил январь-март		2018 йил январь-март		ўсиш суръати, %
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Қоракўл тери, <i>дона</i>	9300	6,6	9486	6,7	102,0
Жун	1	1,1	4	3,8	4,0 м.к.
Сабзавот	458	16,4	483	15,7	105,5


IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 2506,6 млрд.сўм миқдорда инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 72,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2506,6	72,2	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	75,0	25,7	3,0
бюджет маблағлари	34,6	501,4	1,4
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси	-	-	-
давлат мақсадли фонд маблағлари	8,2	34,0	0,3
ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	32,2	32,5	1,3
Марказлашмаган инвестициялар	2431,6	76,5	97,0
корхоналарнинг ўз маблағлари	558,6	162,2	22,3
аҳоли маблағлари	39,8	28,3	1,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1711,8	64,8	68,3
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	121,4	367,3	4,8
бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	-	-	-

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(январь-март)



2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

млрд. сўм

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами	2506,6	69,9	2436,7
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	77,1	64,7	77,5
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	11,3	31,8	10,8
бошқа харажатлар	11,6	3,5	11,7

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида қурилиш ва монтаж ишларининг улуши 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 14 фоизга камайган ва машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 6,2 фоизга ошган, бошқа харажатлар 7,8 фоизга ошган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

(январь-март)



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 106,8 млрд.сўм ёки 62,1 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2018 йилнинг январь-март ойларида умумий майдони 63,7 минг кв.м. бўлган 455 та уй-жой (ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 31,5 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 45,6 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 29,5 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашга 39,8 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 18,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-мартда 430,1 млрд. сўмлик қурилиш пудрат ишлари бажарилиб, 2017 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 76,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 55,8 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 44,2 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларига тўғри келади.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 408,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, қурилиш ишларининг умумий ҳажмида 95,0 фоизни (2017 йил январь-мартга нисбатан 0,1 фоизга ошган) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлар мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13988 тани ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 48,3 фоизи (2017 йил январь-мартда 50,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 639,1 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 33,6 фоизи) ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 96,3 фоизни ташкил қилди;

- 443,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 104,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,3 фоизи) ташкил қилди.

-181,8 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 7,3 фоизи) ўзлаштирилди

-315,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 73,3 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 82,0 фоизга кўпайди;

-автомобил транспорти юк айланмасининг 105,7 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 80,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,5 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,5 фоизи) кўпайиши таъминланди;


-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 89,3 фоизи ёки 1343,5 млрд. сўми (пасайиш 3,5 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 74,2 фоизи ёки 1027,1 млрд. сўми (ўсиш 1,8 фоиз) шакллантирилди.

-18,9 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 38,9 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 50,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 22,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2018 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	443,3	100,0
Саноат	639,1	53,5
Қурилиш	315,2	33,9
Чакана савдо	1343,5	45,4
Юк ташиш, млн тн.	277,2	83,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	2121,6	94,1
Экспорт, млн.АҚШ долл.	18,9	100,0
Импорт млн. АҚШ долл.	50,7	100,0

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодий тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз) 17189 тани ташкил қилиб, шундан 16265 таси ёки 94,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 3711 та (21,6 фоизи), саноат 2391 (13,9 фоизи), қурилиш 1755 та (10,2 фоизи), ташиш ва сақлаш 1162 та (6,8 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1078 та (6,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	17189	100,0	16265	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиғи	1748	10,2	1598	9,8
саноат	2391	13,9	2261	13,9
қурилиш	1755	10,2	1646	10,1
савдо	3711	21,6	3456	21,2
ташиш ва сақлаш	1162	6,8	1098	6,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1078	6,3	1020	6,3
ахборот ва алоқа	216	1,3	207	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	452	2,6	444	2,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4676	27,1	4535	27,9


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 87,6 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 19,5 фоизи хусусий корхоналар, 0,6 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 67,3 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича (умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март



- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар мулки
- Акциядорлик жамиятлари
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
- Бошқа мулкчилик шакллари

2018 йил январь-мартда жами 922 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 762 та). Уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (29,8 фоизи), Ромитан (11,2 фоиз), Гиждувон (7,4 фоиз), Қорақўл (7,2 фоиз), Пешку (6,7 фоиз), Когон (6,7 фоиз), Бухоро (6,1 фоиз), Шофиркон (5,6 фоиз), Жондор (5,1 фоиз), Когон шаҳри (4,4 фоиз), Вобкент (4,1 фоиз), Олот (3,4 фоиз) ва Қоровулбозор (2,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

Худудлар бўйича корхона ва ташкилотлар сони


(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

(бирлик)

	01.04.2018 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-мартда	
		ташкил топди	туғатилди
Вилоят бўйича	17189	922	291
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	5452	275	131

	01.04.2018 йил ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-мартда	
		ташкил топди	тугатилди
Когон	581	41	7
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1283	56	12
Вобкент	843	38	13
Жондор	1138	47	26
Когон	890	62	6
Олот	592	31	8
Пешкў	1063	62	13
Ромитан	1258	103	36
Шофиркон	1046	52	16
Қоракўл	888	66	6
Қоровулбозор	308	21	8
Ғиждувон	1847	68	9

**2018 йил январь-мартда ташкил топган ва тугатилган
корхоналар (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 17,7 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 15,2 фоизи саноат, 15,1 фоизи савдо ва 11,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 291 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 49 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 16,8 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони

(бирлик)

	2018 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	2018 йил январь-мартда	
		ташкил топди	тугатилди
Вилоят бўйича	13988	762	284
<i>шаҳарлар:</i>			
Бухоро	4625	248	126
Когон	451	37	7
<i>туманлар:</i>			
Бухоро	1069	41	12
Вобкент	636	31	13
Жондор	910	36	26
Когон	758	51	6
Олот	440	23	8
Пешкў	854	47	12
Ромитан	1038	85	36
Шофиркон	814	43	16
Қорақўл	646	44	5
Қоровулбозор	219	19	8
Ғиждувон	1528	57	9


VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 271,4 млн.АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 272,7 фоизни, шу жумладан, экспорт 48,6 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 92,1 фоизни, импорт 222,8 млн.АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 477,1 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-мартда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (минг АҚШ dollari)

	январь-март		2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 й.	2018 й.	
Ташқи савдо айланмаси	99520,0	271409,9	272,7
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	43733,3	180871,7	413,6
бошқа хориж мамлакатлари	55786,7	90538,2	162,3
Экспорт	52825,6	48649,1	92,1
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	6559,9	6489,1	98,9
бошқа хориж мамлакатлари	46265,8	42160,0	91,1
Импорт	46694,4	222760,8	477,1
<i>шу жумладан:</i>			
МДХ мамлакатлари	37173,4	174382,6	469,1
Бошқа хориж мамлакатлари	9521,0	48378,3	508,1

2018 йил январь-мартда вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши




2018 йилнинг январь-мартда экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-март	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	92,1
пахта толаси	52,1	70,5	135,3
озиқ-овқат маҳсулотлари	4,2	4,0	95,2
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,9	0,7	77,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	25,4	3,4	13,4
қора ва рангли металллар	-	-	-
машина ва ускуналар	0,01	-	-
хизматлар	4,7	6,9	146,8
бошқалар	12,7	14,5	114,2
Импорт таркиби	100,0	100,0	477,1
озиқ-овқат маҳсулотлари	1,9	2,2	115,8


	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2017 йил январь-март	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	7,8	3,2	41,0
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	62,7	67,9	108,3
қора ва рангли металллар	6,8	2,1	30,9
машина ва ускуналар	14,1	17,6	124,8
хизматлар	0,4	0,1	25,0
бошқалар	6,3	6,9	109,5

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март




- Осиё
- Европа
- Бошқа қитъалар

**2018 йилнинг январь-мартда ташқи савдо айланмасида катта
улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Россия Федерацияси	53,0	192,7
Хитой	5,9	61,5
Туркманистон	10,4	92,0
Эрон	9,1	49,2
Афғонистон	0,7	5,6
Қозоғистон	1,8	58,1
Туркия	1,6	106,7
Украина	0,8	80,0
Жанубий Корея	0,6	120,0


**2018 йил январь-мартда МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга
оширилган ташқи савдо таркиби**

Экспорт




Импорт

МДХ давлатлари



Бошқа хориж давлатлари



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Энергия ресурслари
- Бошқалар

МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси

	Экспорт		Импорт	
	январь-март		январь-март	
	2018 й.	2017 й.	2018 й.	2017 й.
Жами	6489,1	6559,9	174382,6	37173,4
<i>шу жумладан:</i>				
Россия	4594,7	4491,1	139314,9	22862,3
Қозоғистон	1153,9	865,6	3671,2	2231,2
Украина	119,3	214,7	2067,2	795,2
Туркманистон	340,7	793,9	27817,3	10487,5
Белоруссия	16,8	0,1	1339,2	797,2
Арманистон	-	-	-	-
Қирғизистон	15,2	99,2	-	-
Озарбайжон	76,4	12,4	7,5	-
Тожикистон	123,5	82,9	165,3	-
Молдова	48,6	-	-	-

VIII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҶА

Юк ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 11,3 млн.тонна юк ташилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 2,6 фоизга кўпайди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 344,9 млн.тн.км.ни ташкил қилди ва ўтган йилга нисбатан 4,6 фоизга камайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	11,3	102,6
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	11,3	102,6
Юк айланмаси, млн. тн-км	344,9	95,4
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	344,9	95,4

Хусусий юк ташувчилар юк айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 103,8 фоизга кўпайди ва 230,2 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 66,7 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 61,3 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 67,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,0 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 3,4 фоизга кўпайиб, 2197,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	67,0	105,0
<i>шу жумладан:</i> , автомобил транспортида	67,0	105,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	2197,9	103,4
<i>шу жумладан:</i> , автомобил транспортида	2197,9	103,4

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 101,9 фоизга кўпайди ва 1996,8 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 90,9 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 92,2 фоиз).

IX. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда хизматлар соҳасининг ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида қўйишмоқда.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	1504,8	102,6	100,0
<i>шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича</i>			
давлат мулки	0,4	105,9	-
нодавлат мулки	1504,4	102,6	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	1343,4	114,4	89,3

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 438,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2017 йил январь-мартга нисбатан 105,1 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 1066,2 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан 1,6 фоизга кўпайган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 70,9 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда савдо айланмаси таркиби қуйидагича фодаланади

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Товар айланмаси	1504,8	102,6	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
уюшган савдо корхоналари	438,6	105,1	29,1
уюлмаган савдо	1066,2	101,6	70,9

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 50,2 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-мартга нисбатан 98,4 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-мартда **иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар** ҳажми 1385,0 млрд. сўмни ташкил қилди, 2017 йил январь-мартга нисбатан ҳақиқий ўсиш 104,6 фоизни ташкил этди.

2018 йил январь-март ойида кўрсатилган хизмат турлари бўйича (амалдаги баҳоларда) қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	1385,0	104,6	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	85,5	117,9	6,2
Молия хизматлари	131,8	112,7	9,5
Транспорт хизматлари	358,3	102,7	25,9
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	57,9	100,1	4,2
Савдо хизматлари	473,4	100,7	34,2
Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	40,3	103,7	2,9
Таълим хизматлари	63,3	123,5	4,5
Соғлиқни сақлаш хизматлари	27,3	103,7	2,0

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Ижара ва прокат хизматлари	37,5	102,2	2,7
Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	34,2	104,7	2,5
Шахсий хизматлар	30,2	100,2	2,2
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	11,2	103,0	0,8
Бошқа турдаги хизматлар	34,1	104,6	2,4

Хизмат кўрсатишда энг катта улуш савдо (34,2 фоизи), транспорт (логистик хизматлар билан бирга) (25,9 фоизи), молиявий (9,5 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (6,2 фоизи), таълим (4,5 фоизи) ва яшаш ва овқатланиш (4,2 фоизи) хизматларга тўғри келди.

Молия хизматлари, банк, суғурта ва молиявий лизинг хизматларини ўз ичига олган ҳолда ўтган йилга нисбатан (12,7 фоизга кўп), таълим хизматлари (23,5 фоизга кўп), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, уяли алоқа, “Интернет” тармоғидан фойдаланиш, кабель телевизион алоқаси, почта ва электрон алоқа хизматларини ўз ичига олган ҳолда (17,9 фоизга кўп), ўсиш юқори бўлди.

2018 йил январь-мартда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари



Х. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1874,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 4585 кишига ёки 0,2 фоизга кўпайди.

2018 йил январь-март ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	7607	7322	-285	16,7	15,9
Ўлганлар	2317	1930	-387	5,1	4,2
Табиий ўсиш	5290	5392	102	11,6	11,7
Никоҳлар	3380	3387	7	7,4	7,3
Ажралишлар	498	438	-60	1,1	0,9

2018 йилнинг январь-мартда туғилганлар сони 7322 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (7607 киши) нисбатан 285 тага камайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 15,9 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (16,7 промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Гиждувон (18,2 дан 16,9 промиллега), Бухоро (16,3 дан 13,4 промиллега), Жондор (15,9 дан 13,7 промиллега), Пешкў (17,2 дан 15,8 промиллега), Қоровулбозор (16,0 дан 14,1 промиллега), Вобкент (17,2 дан 15,0 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-мартда ўлганлар сони 1930 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (2317 киши) нисбатан 387 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,2 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-мартида – 5,1 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши фақатгина Когон туманида (3,0 дан 3,9 промиллега) кузатилди.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-мартда ФХДЁ органларида 3387 та никоҳлар ва 438 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,3 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 7,4 та) ва 0,9 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,1 та) тўғри келади.


Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1620 кишини, шу давр мобайнида

¹⁾ дастлабки маълумот

кўчиб кетганлар сони эса 2427 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 807 кишига (2017 йилнинг шу даврида - минус 545 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус 580), Олот туманида (минус 111), Ғиждувон (минус 223) туманларида кузатилди.

2018 январь-март ҳолатида аҳолининг табиий ҳаракати (ҳар 1000 кишига)




Доимий аҳоли сони ¹⁾ (2018 йил 1 апрель ҳолатига, минг киши)




Тузилган никоҳлар сони ¹⁾ (январь-март ойларида)

(бирлик)



Никоҳдан ажралишлар сони ¹⁾ (январь-март ойларида)

(бирлик)



1) Дастлабки маълумот